

Патрул-Пост Хизмати Фаолиятини Амалга Оширишда Ташкилий Механизмларни Такомиллаштириш Масалалари

Туракулов Зоҳиджон Зоқиржонович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти мустақил изланувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада патрул-пост хизмати фаолиятини самарали ташкил этишда ташкилий асосларнинг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинади. Хусусан, хизматни режалаштириш, иш графиги, ходимларнинг вазифалари тақсимоти, назорат-баҳолаш тизими ва ички тартиб қоидалари каби ташкилотчилик масалалари илмий жиҳатдан ёритилади. Шунингдек, мавжуд муаммолар ва хорижий давлатлар тажрибаси асосида хизматни янада такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: патрул-пост хизмати, ташкилий асослар, хизмат режаси, ички ишлар органлари, самарадорлик, жамоат хавфсизлиги.

Жамият тараққиётининг ҳар қандай босқичида фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечириши, уларнинг шахсий ва мол-мулкий дахлсизлигининг таъминланиши, давлат ва жамоатчилик институтларига нисбатан ишончни мустаҳкамлаш бевосита жамоат хавфсизлиги даражасига боғлиқ. Мазкур мақсадларга эришишда эса ички ишлар органлари тизимида фаолият юритаётган патрул-пост хизмати асосий ва етакчи вазифалардан бирини бажаради. Шу жиҳатдан патрул-пост хизмати жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг фронтли механизми сифатида нафақат профилактик, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи реал куч сифатида алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий ҳуқуқий ислохотлар, "Инсон кадри учун" тамойилига асосланган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, хусусан, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва жамоат жойларида фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш соҳаларида янги институционал ёндашувларни талаб этмоқда. Бу эса ўз навбатида, ички ишлар органларининг тизимли тузилмалари — айниқса, патрул-пост хизмати фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришни долзарб вазифалар қаторига қўяди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, патрул-пост хизмати ички ишлар органлари тизимида жамоат билан энг кўп ва тўғридан-тўғри мулоқот қиладиган тузилма ҳисобланади. Уларнинг кундалик вазифалари қаторига жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат жойларида тартибни сақлаш, фуқароларнинг мурожаатларига жойида жавоб бериш, фавқулодда ҳолатларга тезкор аралашиш каби вазифалар киради. Бу эса ушбу хизмат фаолиятининг самарадорлиги нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими, балки фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятига ҳам бевосита таъсир ўтказишини кўрсатади.

Айни пайтда, Ўзбекистонда жиноятчиликнинг тузилиши ва таркибий динамикаси таҳлил қилинганда, жамоат жойларида содир этилаётган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва ўрта даражадаги жиноятлар сони салмоқли улушни ташкил этиб, патрул-пост хизматининг мақсадли йўналтирилган фаолиятини янада кучайтириш талабини юзага келтирмоқда. Шу жиҳатдан, ушбу хизмат фаолиятининг ташкилий, моддий, кадрлар ва ҳуқуқий

механизмларини илмий жиҳатдан таҳлил этиш, амалдаги тизимни қайта шакллантириш ва самарадорлигини ошириш борасида аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурдир.

Жамиятда барқарорликни таъминлаш ва инсон хавфсизлигини кафолатлаш мукамал ҳуқуқий, ташкилий ва профилактик механизмлар мавжуд бўлган ҳолда амалга оширилади. Бунинг учун давлат томонидан аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилувчи, жамоат жойларида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган институтлар самарали ишлаши талаб қилинади. Бундай институтлар қаторида патрул-пост хизмати алоҳида ўрин тутади, чунки у ички ишлар органлари (ИИО) тизимида жамоат хавфсизлигини таъминлашда фронтли вазифаларни бажарувчи асосий бўғин ҳисобланади¹.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда жамиятнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни камайтириш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимиз *Шавкат Мирзиёев* таъкидлаганидек, “*Жамоат хавфсизлигини таъминлаш – бу нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, балки бутун жамиятнинг долзарб вазифасига айланмоғи лозим*”². Ушбу фикр патрул-пост хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Патрул-пост хизмати ИИО тизимидаги энг кўп жамоат билан алоқада бўладиган, уларнинг ҳуқуқий муҳофазаси, хавфсиз ҳаёт кечириш ҳуқуқини таъминлашда фаол иштирок этадиган тузилма сифатида тан олинади. Бу хизмат жамоат жойларида қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш, жиноятларнинг олдини олиш, фавқулодда ҳолатларга тезкор аралашуш ва фуқаролар мурожаатларини жойида ҳал этиш функцияларини бажаради³.

Жиноятчиликка қарши курашуш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг институционал механизмларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, патрул-пост хизмати мамлакатдаги умумий криминоген вазиятнинг таҳлили ва унинг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Масалан, ИИВ статистикасига кўра, 2023 йил давомида аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг 41% жамоат жойларида содир этилган бўлиб, уларнинг катта қисми айнан патрул-пост ходимлари томонидан вақтида бартараф этилган⁴.

Халқаро тажриба ва амалиётларда (*хусусан, Германия, Япония, Франция, Россия ва АҚШда*) патрул-пост хизматлари полиция фаолиятининг асосий устувор йўналиши сифатида қаралади. БМТнинг “Қонун устуворлиги ва полиция фаолияти” тўғрисидаги Декларацияси (2008)⁵, ЕХХТ (OSCE) полиция дастурлари ҳамда DCAF (Security Sector Governance) каби халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган стандартлар ҳам патрул фаолиятининг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги марказий ролини илмий-назарий жиҳатдан асослаб беради.

Шундай қилиб, тадқиқотимизнинг бу йўналиши амалдаги ҳуқуқий сиёсатнинг устувор йўналишлари, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги эҳтиёжлар ҳамда ички ишлар органлари тизимида хизмат тартиби ва функцияларини янада самарали ташкил этиш зарурати билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Мазкур тадқиқот якунлари патрул-пост хизмати фаолиятини ташкил этишдаги меъёрий-ҳуқуқий асосларни, ташкилий механизмларни, ходимларнинг ҳуқуқий мақомини ва функционал вазифаларини илмий таҳлил қилиш орқали бу соҳадаги ислохотларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга тезкор чора кўришда патрул-пост хизмати ҳал қилувчи ўрин тутади. Б.Ф. Швецовнинг фикрича, ички ишлар органлари тизимида айнан шу хизмат аҳоли билан бевосита мулоқотда

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-406-сон “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/docs/3027843>.

² *Мирзиёев Ш.М.* “Янги Ўзбекистон – халқчил ислохотлар йўли”, “Халқ сўзи” газетаси, – №98. – 2022, – Б.1.

³ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2023 йил 20 феврал кунидаги 77-сон “Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги буйруғи.

⁴ ИИВнинг 2023 йилдаги жамоат хавфсизлиги бўйича ҳисоботи – <https://mvd.uz>

⁵ United Nations, “Rule of Law and Police Standards”, UNODC, Vienna, 2008 – <https://unodc.org>.

бўладиган “олдинги саф” ҳисобланиб, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жинойтчиликка қарши курашнинг асосий ишчи кучидир. Патрул хизмати ходими доимо жамоат назарида бўлгани сабабли, унинг ташқи кўриниши, мулоқот одоби ва ҳар қандай вазиятда тезкор ҳамда қонуний қарор қабул қилиш маҳоратига алоҳида талаблар қўйилади⁶.

Шу боис патрул-пост хизмати фаолиятининг ташкилий асосларини илмий таҳлил қилиш ва замон талаблари асосида такомиллаштириш бугунги кунда жуда долзарб масаладир.

Ўзбекистон шароитида жинойтчилик динамикаси ва ҳуқуқбузарликларнинг хусусияти профилактика ишларини институционал йўналтиришни талаб этмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда турли глобал хавф-хатарлар, пандемия ва техноген муаммолар жамоат хавфсизлиги соҳасида тезкор ва самарали фаолият юритишни янада муҳим қилмоқда⁷.

Патрул-пост хизмати аҳолининг ҳуқуқий ҳимоясига бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим бўлган бўлиб, ҳуқуқбузарликларни вақтида аниқлаш ва бартараф этишда унинг ҳиссаси катта. Патрул-пост хизмати фаолияти миллий қонунчилик ва халқаро принципларга таянган ҳолда амалга оширилиши зарур. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда биринчи бор “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, унга қадар тарқок меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб келган полиция фаолияти ягона ҳуқуқий асосга эга бўлди⁸. Ушбу қонун ички ишлар органлари вазифаларини (жумладан жамоат тартибини сақлаш соҳасини) аниқ белгилаб берди.

Шу билан бирга, халқаро миқёсда полиция фаолиятининг демократик тамойиллари ишлаб чиқилган бўлиб, Европада полиция одоби кодекси, ОВҚЕ (ОБСЕ)нинг демократик полиция бўйича қўлланмалари ҳамда БМТнинг ҳуқуқ-тартибот ходимлари учун асосий инсон ҳуқуқлари стандартлари⁹ шулар жумласидандир. Ушбу халқаро меъёр ва тавсиялар полициянинг жамоат билан ҳамкорликда, қонунийлик ва инсон ҳуқуқларига риоя этган ҳолда фаолият юритишини таъкидлайди. Демак, патрул-пост хизмати фаолиятини ташкил этиш миллий қонунлар ва халқаро стандартларга таянган илмий-амалий асосга эга.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган Жамоат хавфсизлиги концепцияси¹⁰ жорий этилгандан сўнг Ички ишлар вазирлиги марказий аппаратида Патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси негизида Жамоат хавфсизлиги департаменти ташкил қилиниб, патрул хизмати бошқаруви такомиллаштирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилояти ички ишлар бошқармаси таркибида ҳозирда Патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармалари фаолият юритиб, улар таркибида махсус патрул-пост батальонлари мавжуд. Тошкент шаҳар ИИББ ҳузурида эса алоҳида Патрул-пост хизмати бригадаси ташкил этилган бўлиб, унинг таркиби бир нечта батальон ва отрядларга бўлинади. Шу тарзда, туманлар кесимида патруллик хизмати отряд ва гуруҳларга ажратилган ҳолда ташкил этилган. Патрул-пост хизмати тузилмалари иерархияси

⁶ Швецов Б.Ф. Организация деятельности патруль-постовой службы полиции по обеспечению общественного порядка и общественной безопасности на улицах и в других общественных местах: учебное пособие. –М.: Академия управления МВД России, 2016. – 3 с.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / www.lex.uz/acts/5749291.

⁸ Давлат ва халқ таянадиган асосий устун – қонун унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим эса ички ишлар соҳаси / <https://yuz.uz/news>. 25.10.2022.

⁹ International Police Standards - Guidebook on Democratic Policing / Senior Police Adviser to the OSCE Secretary General //

<https://www.dcaf.ch/sites/default/files/publications/documents/OSCE.pdf#:~:text=Series%201%20,provides%20some%20practical>

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.11.2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган Жамоат хавфсизлиги концепцияси // <http://www.lex.uz/acts/5749291>.

бригада – батальон – отряд – гуруҳ шаклида қурилгани, уларнинг ҳар бири учун тегишли раҳбарлар (командирлар) лавозими жорий этилгани ушбу хизматни самарали бошқариш имконини беради. Патруль-пост хизмати бўлинмалари ўз фаолиятини белгиланган ҳудудларда махсус дислокация (йўналишлар ва постлар) асосида амалга оширади. Маршрут (йўналиш) патруль – хизмат ҳудуди бўйлаб милиция наряди ҳаракатланадиган йўналиш бўлса, пост – маълум бир муҳим жой (масалан, марказий кўча кесилмаси, бозор атрофи ва ҳ.к) да доимий хизмат туриш учун қўйилган стационар пост нарядидир. Маршрутлар ва постлар сон-таркиби ҳамда жойлашуви қарор қабул қилувчи орган томонидан ҳудуднинг криминоген вазияти, аҳоли зичлиги каби омилларга асосланиб белгиланади. Масалан, 2021 йилда қабул қилинган Жамоат хавфсизлиги концепцияси патруль хизмати бўлинмаларини оптимал жойлаштириш мақсадида айрим ҳудудларда туманлараро патруль-пост бўлинмалари ташкил этиш лозимлигини, бунинг учун ҳудудларнинг жинойтчилик ҳолати ва аҳоли сонидан келиб чиққан меъёрлар ишлаб чиқилишини белгилади.

Бундан кўриниб турибдики, патруль нарядларини ташкиллаштиришда ҳудуднинг воқеий ҳолати ва таҳлилий маълумотлар асосида динамик ёндашув қўлланилади. Патруль-пост нарядлари хизмат вақтида доимий равишда навбатчи қисми (диспетчер) билан алоқа ўрнатиб туриши ва заруратга қараб бошқа ҳудудга йўналтирилиши мумкин.

Россия тажрибасида масалан, патруль нарядлари доимий радиоалоқа орқали бошқарилиб, дежур қисмлар томонидан 24 соат давомида назорат қилинади ва тезкор ҳолатга мувофиқ қайта дислокация қилиниши мумкинлиги таъкидланади¹¹. Бу каби бошқарув механизми юртимиз патруль хизматида ҳам жорий этилган бўлиб, навбатчилик қисми ҳар бир наряд ҳаракатини кузатиб боради, “102” телефон хабарлари ёки махсус мобиль иловалар орқали тушган чақирувларга мувофиқ яқин патруль нарядларини йўналтиради. Патруль-пост хизмати бўлинмалари ички ишлар органлари тизимидаги бошқа соҳавий хизматлар билан узвий боғлиқ ҳолда иш олиб боради. Хусусан, жинойт қидирув, терроризмга қарши кураш, профилактика инспекторлари, йўл-патруль хизмати, миграция хизмати каби тузилмалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳаллий жамоат тузилмалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ҳамкорлик ва ўзаро алоқа масаласи Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорлари билан тартибга солинади. Масалан, Миллий гвардия бўлинмалари ички ишлар органлари патруль хизматлари билан биргаликда жамоат тартибини таъминлашга жалб этилиши мумкин; фавқулодда вазиятлар хизмати ва мудофаа вазирлиги билан эса оммавий тадбирларни ўтказиш пайтида хавфсизликни таъминлаш юзасидан ҳамкорлик қилиш механизми мавжуд. 2021 йилги жамоат хавфсизлиги Концепциясида ваколатли давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг фавқулодда шароитларда ҳамкорликда ҳаракатланиш бўйича “ташкилий қўмиталар” тузиши мумкинлиги қайд этилган бўлиб, бу борада маҳаллий даражада “Ягона тизим” тамойилида иш олиб бориш вазифаси қўйилган.

Бошқача айтганда, жамоат тартибини сақлашга масъул милиция, Миллий гвардия ва бошқа идоралар бир-бирини тўлдирувчи ягона механизмдай фаолият юритиши кўзда тутилган. Маҳалла институти ва жамоатчилик билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда: ҳудудларда “Маҳалла посбони” жамоат тузилмалари тузилиб, улар профилактика инспекторлари ва патруль хизматлари билан биргаликда кўшма рейдлар ўтказмоқда.

Бундай жамоатчилик назоратига таянган патрулчилик ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишда қўл келади, фуқароларда ҳам ҳуқуқ-тартиботга дахлдорлик туйғусини оширади. Патруль-пост хизмати фаолиятининг ташкилий асосларини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: биринчи навбатда, юқорида таъкидланганидек,

¹¹ Швецов Б.Ф. Организация деятельности ППС полиции по обеспечению общественного порядка.pdf / <https://studfile.net/preview/16408968>.

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун¹² (2016 йил) бу соҳанинг ҳуқуқий мақоми ва вазифаларини белгилаб берди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2940-сон “Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори¹³ билан ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Мазкур қарор иловаларида патрул-пост хизмати бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан бир қатор вазифалар белгиланиб, хусусан, ходимларни моддий рағбатлантириш, маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорликда хавфли жойларга постлар қўйиш каби тадбирлар режаси берилган. Кейинчалик, 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Президент фармони билан “Жамоат хавфсизлиги концепцияси” тасдиқланди ва 2022–2025 йилларда жамоат хавфсизлиги тизимини ривожлантириш стратегияси белгилаб олинди¹⁴. Ушбу концепция асосида патрул хизмати фаолиятига доир бир қатор янги ташаббуслар амалга оширилди (масалан, юқорида қайд этилган туманлараро патруль бўлинмалари, рейтинг тизими ва ҳ.к.).

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2023 йил 20 феврал кунидаги 77-сон “Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги буйруғи билан тасдиқланган Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга кўра Ўзбекистон ички ишлар органлари таркибида патрул-пост хизмати белгиланган тартибда тузилган бўлиб, у республика, вилоят-шаҳар ва туман даражаларидаги бўлинмалар¹⁵ тизимини ўз ичига олади.

Ички ишлар вазирининг 2023 йил 20 февралдаги 77-сон буйруғи патрул-пост хизмати фаолиятини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини аниқ белгилашга қаратилган муҳим меъёрий-идоравий ҳужжат сифатида хизмат қилмоқда. Мазкур буйруқ асосида ички ишлар органларининг патрул-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби, уларнинг вазифалари, функциялари, хизматни режалаштириш ва манёвр қилиш, назорат қилиш механизмлари, ҳамда замонавий ахборот технологияларидан – хусусан “Е-патруль” тизимидан фойдаланиш тартиблари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган.

ППХ бўлинмаларига Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоят ИИБлари, Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти, метрополитен, поезд ва товар ташиш хавфсизлиги каби соҳалардаги алоҳида батальон ва отрядлар киритилган. Бундай кенг қамровли тузилма ППХ хизматининг фаолият юритиш ҳудудини бутун мамлакат миқёсида қоплашини таъминлайди.

Буйруқда хизмат режалаштиришнинг аниқ модели белгилаб берилган: хизматга жалб этиладиган шахсий таркиб учун коэффицент 1,43 этиб белгиланган бўлиб, суткалик хизмат муддатлари (08:00–16:00, 16:00–00:00, 00:00–08:00) бўйича кучлар 30%, 40% ва 30% нисбатда тақсимланади. Бу тизим хизматни кун давомида ҳудудлардаги жиноятчиликнинг тарқалиш тенденцияларига мослаштириш имконини беради.

Айниқса, патрул хизматини рақамлаштиришда “Е-патруль” ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича тартиблар алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тизим орқали ходимлар фуқаронинг

¹² Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/docs/3027843>.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2940-сон қарори “Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.05.2017 й., №06/17/2940/1543.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.11.2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган Жамоат хавфсизлиги концепцияси // <https://www.lex.uz/acts/5749291>.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2023 йил 20 феврал кунидаги 77-сон “Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги буйруғи.

шахсий маълумотларини, қидирувда ёки назоратда турганлигини, ҳуқуқбузарлик ёки жазони ўтаётганлигини тезкорлик билан текшириш имкониятига эга бўлади. Бу нафақат патруллик фаолияти самарадорлигини оширади, балки шахсни асоссиз текшириш ҳолатларининг олдини олади. Шу билан бирга, бу хизматнинг қонунийлиги ва инсон ҳуқуқларига ҳурматни таъминлашда муҳим ахборот платформасига айланади.

Буйруқда патруллик йўналишлари ва постлар бўйича хизматни ташкил этиш, куч ва воситаларни манёвр қилиш, тезкор вазиятга мос равишда жойлаштириш тартиблари аниқ регламент қилинган. Йўналиш паспорти, ходимнинг билиши керак бўлган маълумотлар, кузатув ва назорат шакллари ҳам мустаҳкам меъёрлаштирилган. Хусусан, патрулликдаги нарядлар устидан мунтазам ва ҳуфиёна тарзда назорат ўтказиш, бодикамералар орқали видеокузатув материалларини таҳлил қилиш, хизматнинг ҳар бир босқичини ички идоралараро масъулият асосида баҳолаш амалиёти жорий этилган.

Бироқ, ушбу буйруқни таҳлил қилиш жараёнида айрим коллизиялар, ҳуқуқий аниқсизликлар ва тартибга солилмаган ҳолатлар кузатилди:

биринчидан, патрул-пост хизмати ходимларининг ваколатлари билан боғлиқ ноаниқликлар мавжуд. Хусусан, буйруқда ходимларнинг шахсларни тўхтатиш, текшириш, “Е-патруль” орқали маълумот сўраш ҳуқуқлари кўрсатилган бўлса-да, ушбу ваколатларни амалга оширишда аниқ мезонлар, чегаралар ва назорат механизми белгиланмаган. Масалан, фуқарони шахсини аниқлаш учун тўхтатишда унинг норозилиги ёки шахсий дахлсизлиги масаласи қай даражада ҳисобга олинishi тушунарсиз қолган. Шунга кўра, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ҳолда алоҳида модда ёки илова орқали патрул ходимининг текширув ўтказиш ҳуқуқлари ва чегаралари аниқ ва таърифланган ҳолда киритилиши лозим.

иккинчидан, Миллий гвардия ва бошқа органлар билан биргаликда хизмат ўташдаги юрисдикцияда муайян ҳуқуқий бўшлиқ мавжуд. Жумладан, коллизияси буйруқда патрул-пост нарядлари таркибида бошқа идоралар – масалан, Миллий гвардия, ФВВ ва жамоатчилик тузилмалари билан биргаликда хизмат ўташ назарда тутилган. Аммо бошқарув бўйсуниш, хизмат интизомига амал қилиш ва хатти-ҳаракат учун ким жавобгар эканлиги аниқлаштирилмаган. Шунга кўра, идоравий ўзаро ҳамкорлик асосида патрул нарядлари учун “*бирлашган нарядлар тўғрисидаги*” махсус йўриқнома ишлаб чиқиш ва унда ҳар бир органнинг вазифа, ваколат ва жавобгарлик доирасини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ.

учинчидан, ахборот технологияларидан фойдаланишдаги ҳуқуқий бўшлиқ бўлиб, хусусан, “Е-патруль” тизимида шахсий маълумотларни қайта ишлаш ва уларни муҳофаза қилиш тартибида шахсий маълумотлар ошкор қилинмаслиги таъкидланган, аммо шахсни аниқлаш жараёнида ходим шахсий планшетга маълумотларни қай тарзда, қанча вақтда сақлаши, қандай ҳолатда ўчириши кераклиги тушунарсиз. Шунга кўра, “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонун¹⁶ ва “Киберхавфсизлик стратегияси” талабларидан келиб чиқиб, “Е-патруль” тизими орқали йиғилган маълумотлар қайта ишланиши, сақланиши ва йўқ қилиниши тартибини алоҳида норматив ҳужжатда ёки буйруқ иловасида мустаҳкамлаш керак.

тўртинчидан, планшет ва бодикамера воситаларидан фойдаланишда жавобгарлик масалалари билан боғлиқ ҳуқуқий бўшлиқ мавжуд, хусусан, буйруқда планшет йўқолса, ходим шахсан жавобгар деб белгиланган. Аммо унинг айби ва нияти бўлмаган техник носозлик, улаш имконияти йўқ эканлиги каби ҳолатлар назарда тутилмаган. Шунга кўра, ушбу ускуналардан фойдаланишда ишлатилган ҳолатлар, ёқолиш ёки носозлик бўйича текшириш ва баҳолаш процедурасини алоҳида Низом билан тасдиқлаш зарур.

бешинчидан, ҳар куни икки марта, ҳар ҳафтада, ҳар ойда бир неча босқичда текширув ўтказилиши белгиланган. Аммо кам сонли туманларда бу қўшимча юклама, кўп маротабали ҳисоботчиликка олиб келиши мумкин. Шунга кўра, назорат текширувлари патрул

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/4396419>.

бўлинмасининг ҳажми, юкламаси ва жинойтчилик даражасидан келиб чиққан ҳолда дифференциацияланган (стажировка асосида) режимда ташкил этилиши лозим.

олтинчидан, хизмат вазифалари ва ички мезонлар ўртасида ўзаро мувофиқлик таъминланмаган. Масалан, отлик патрул, автопатрул, пиёда патрул, ихтисослашган маршрутлар бўйича вазифалар тушунтирилган, аммо уларнинг бир-бирига нисбатан самарадорлик қиёсий таҳлили, қайси ҳолатда қайсиси устувор эканлиги аниқ белгиланмаган. Шунга кўра, фаолият турлари бўйича самарадорлик рейтинг тизими жорий қилиниши керак. Бу КРІ баҳолаш тизимини ишлаб чиқишда асос бўлади.

Шундай қилиб, бугунги кунда патрул-пост хизмати фаолиятини ташкил этиш мустаҳкам қонунчилик базаси ва идоравий-йўриқномавий ҳужжатлар билан таъминланган. Патрул-пост хизматига хизматчиларни жалб қилиш ва тайёрлаш тизими. Патрул-пост хизматини самарали ташкил этишда кадрлар билан таъминлаш ва уларни ўқитиш масаласи ўта муҳим аҳамиятга эга. ИИО патрул бўлинмаларига хизматга қабул қилиш белгиланган танлов ва аттестация талаблари асосида амалга оширилади: номзодлар белгиланган тартибда умумий билим даражаси, жисмоний тайёргарлик, соғлиқ ҳолати ва руҳий барқарорлик бўйича текширувдан ўтказилади. Хусусан, “Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги низомга кўра ИИО хизматига кирувчилар таълим ва соғлиқ бўйича минимал талабларга жавоб бериши, махсус текширувдан ўтиши керак.

Патрул-пост хизматига қабул қилинган ходимлар аввало дастлабки касбий тайёргарлик курсини ўтайдилар. Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Малака ошириш институтида янги қабул қилинган сафдорлар учун 3 ойлик бошланғич ўқув курси ташкил этилган бўлиб, унда хизматчиларга патрул-пост фаолиятининг ҳуқуқий асослари, жамоат тартибини сақлаш тактикаси, жисмоний тайёргарлик ва хизмат одоби бўйича назарий-амалий дарслар ўтилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети¹⁷да ушбу соҳада олий маълумотли офицер кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, улар саф бўлинмалари учун раҳбарлик лавозимларини таъминлайди. ИИВ Академиясида ҳарбий жиҳатдан унвонларга эга сафдор ва сержантларни хизмат давомида малакасини ошириш мақсадида тез-тез қайта тайёрлаш курсларига юбориш тизими йўлга қўйилган. Патрул-пост хизмати кадрларини ўқитишда ўқув дастурлари замонавий талаблар ва хизмат хусусиятига мос шакллантирилади. Жумладан, ўқув жараёнида қуйидаги йўналишлар алоҳида блоклар сифатида қамраб олинади: 1) ҳуқуқий тайёргарлик – ходимларга жинойт ва маъмурий қонунчилик асослари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, полициянинг ҳуқуқий ваколатлари ўргатилади; 2) жисмоний ва махсус тайёргарлик – хизматчаннинг жисмоний чиниқиши, кураш усуллари, оммавий тартибсизликларни бартараф этиш тактикалари ва қуроолларни қўллаш ҳуқуқий шартлари ўргатилади; 3) психологик ва коммуникатив тайёргарлик – ходимларда стрессга бардошлилик, аҳоли билан мулоқот маданияти, можароли вазиятларни юмшатиш кўникмалари шакллантирилади; 4) тезкор тактик тайёргарлик – патрул вақтида турли фавқулудда вазиятларда (қоронғуда хизмат олиб бориш, қуроолли жинойтчиға қарши чора кўриш, таъқиб ва қувиб етиб ушлаш ва ҳ.к.) қандай ҳаракатланиш бўйича амалий машқлар ўтказилади. Россия Федерациясида патрул-пост хизмати ходимларини тайёрлашда худди шу каби йўналишларга эътибор қаратилади. Илмий тадқиқотларда таъкидланишича, полиция саф бўлинмалари учун тайёргарлик дастурлари жисмоний жаҳатдан ўзини муҳофаза қилиш, қўлга олиш усуллари, хизмат қуролидан фойдаланиш, тактик ҳаракатлар ва психологик коммуникация малакаларини қамраб олмоғи лозим.

Мазкур элементлар патрул хизматини ўташда энг зарур кўникмалар мажмуини шакллантиради. Шу билан бирга, патрул ходимлари доимий равишда хизмат давомида

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ-5077-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz/ru/docs/5377545>.

ҳуқуқий билимлари ва малакасини ошириб бориши учун ҳар 3 йилда қайта тайёрлаш курсларидан ўтказиш тизими ҳам жорий этилгани мақсадга мувофиқдир.

Сўнги йилларда патрул-пост хизмати ходимларини тайёрлашда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш масалаларига ҳам урғу берилмоқда. Жумладан, хизмат давомида бошқа ходимлар ва навбатчи қисми билан доимий боғланиб туриш учун рақамли радиоалоқа ва навигация ускуналаридан фойдаланиш ўргатилмоқда. Ходимларга шахсий бодикамералар тақдим этилиб, улардан фойдаланиш қоидалари бўйича алоҳида ўқув машғулоти ўтказилади. ИИБ буйруғи билан “бодикамера” тушунчаси ва ундан фойдаланиш тартиби ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб қўйилган бўлиб, ходим хизмат вақтини жазмини ва фуқароларнинг хатти-ҳаракатларини қайд этиб бориши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Бу каби техник воситаларни қўллаш ходимларнинг масъулиятини ошириш баробарида, уларнинг хавфсизлигини ҳам таъминлайди. Ҳозирда патрул нарядлари хизматида планшет (планшет) типигаги электрон қурилмалар жорий этилмоқда: улар орқали ходим содир этилган ҳуқуқбузарлик бўйича жойида электрон баённома расмийлаштириши, базалар орқали шахсларни тезроқ текшириши мумкин. Бундай рақамли ҳисобот ва назорат воситалари патрул хизматини янада самарали ташкил этишга хизмат қилади. Халқаро тажрибага назар солсак, бир қатор давлатларда патрул-полиция хизматчилари тайёргарлиги юксак стандартлар асосида йўлга қўйилганини кўрамиз. Масалан, АҚШда полициянинг ҳар бир маҳаллий бўлинмаси ўз академиясида ёки сертификацияланган курсларда патрул офицерларини ўқитади; ўртача дастлабки тайёргарлик 5-6 ой давом этиб, унда ҳуқуқий билимлар, отиш тайёргарлиги ва жамоатчилик билан ишлаш кўникмалари берилади. Лекин америкалик экспертларнинг ўзлари таъкидлашича, АҚШдаги полиция тайёргарлик муддати Европага нисбатан анча қисқа экани танқидларга сабаб бўлмоқда¹⁸. Солиштириш учун, Германияда полиция оқсоллари (кичик инспекторлар) тахминан 2,5 йиллик дастур асосида тайёрланади, бу давр мобайнида улар назарий таълимни амалиёт билан ўзаро боғлиқ равишда ўташади¹⁹. Германиянинг ҳар бир федерал ерлигида полиция мактаблари мавжуд бўлиб, ўқувчилар икки йилдан ортиқ вақт давомида ўз хизмат вазифаларига доир барча жиҳатларни чуқур ўзлаштирадilar.

Kustom Signalsда “Жанубий Корея полициясининг демократик ислохотларидан кейинги фаолияти, жумладан патрул хизматида маҳаллий полиция қутилари бирлаштириш орқали самарадорлик оширилгани”²⁰ қайд этилган. Жанубий Корея полицияси марказлашган миллий тизимга эга бўлиб, патрул хизмати ходимлари Корея Миллий полиция агентлигига қарашли академияларда махсус курсларни тугатадилар. Кореяда 1980-йиллар охирида демократик ислохотлардан сўнг полиция жамоатчилик ишончига сазовор бўлишга ҳаракат қилган ва патрул хизматида “полиция қутилари” (кичик стационар пункти) орқали маҳаллаларда мунтазам кузатув йўлга қўйилган.

Японияда патрул полицияси жаҳонга машҳур “Кōбан” (кобан) тизимига асосланган. Яъни, ҳар бир маҳаллада кичик полиция участкалари ва постлар фаолият кўрсатиб, офицерлар шу ернинг ўзида аҳоли билан яқин мулоқотда хизмат олиб боради. Япония полициясининг 1947 йилда қабул қилинган Полиция хизмати тўғрисидаги қонуни ва 1954 йилдаги Полиция мажбуриятлари тўғрисидаги қонунидаоқ жамоатчиликка хизмат қилиш, маҳалладаги ҳар бир

¹⁸ Why police training in the US falls short compared to the rest of the world: Report / <https://abcnews.go.com/US/police-training-us-falls-short-compared-rest-world/story?id=96729-748#:~:text=,law%20enforcement%20agencies>.

¹⁹ Transforming Police Recruit Training: 40 Guiding Principles // <https://www.policeforum.org/assets/TransformingRecruitTraining.pdf#:~:text=recruits%20complete%20about%202,India%20requires%205%2C400>.

²⁰ Kustom Signals. (2021). How South Korea’s K-Cops are Helping in the Fight Against Crime. – Интернет манба: kustomsignals.com.

фуқаронинг ишончини қозониш патрул хизмати асоси экани мустаҳкамлаб қўйилган²¹. Япония тажрибаси жамоатчиликка энг яқин полиция хизмати намунаси сифатида эътироф этилади.

Л.А.Кодзокова ва М.Б.Қумеховалар жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини кўриб, Россия полицияси тажрибасида айрим ваколатларни алоҳида қонунда белгилаш таклифи илгари сурган²².

Бирок, бу нуқтаи назарга қарши туриб бўладиган илмий қараш ҳам мавжуд. Масалан, жамоат тартибини сақлаш функциялари фақат бир соҳада эмас, балки турли ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлгани учун, уларни алоҳида қонунда эмас, балки умумий полиция фаолиятини тартибга солувчи кодекс ёки комплекс қонунлар тизимида қамраб олиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашув полиция ваколатлари ва фаолиятининг яхлит ҳуқуқий платформасини таъминлаб, ҳуқуқий ноаниқлик ва зиддиятларни камайтиради.

Шунинг учун Л.А.Кодзокова ва М.Б.Қумеховаларнинг позицияси – жамоат хавфсизлиги функцияларини институционал жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ташаббус бўлса-да, унинг амалий татбиқи ҳуқуқий тизимнинг умумий концептуал бирлиги билан уйғун бўлиши лозим. Полиция фаолиятида тарқоқлик эмас, балки интеграция ва вазифалар ўзаро боғлиқлиги устувор бўлиши шарт.

Россияда патрул-пост хизмати бўйича кадрлар тайёрлаш ИИВнинг олий таълим муассасалари ва махсус ўқув марказларида олиб борилади. Патрулчилик бўлинмалари ходимлари давлат хизматчилари қабули умумий тартибида олинади ҳамда хизмат давомида малака ошириш системасига эга. Илмий манбаларда қайд этилишича, Россия полициясида патрул нарядлари жамоат тартибини таъминлашнинг “олдинги фронти” сифатида қаралади, улар сутка давомида навбатчи қисми билан боғлиқ ҳолда ҳаракатланиб, ўз хизмат ҳудудларида жиноят ва ҳуқуқбузарликларга тезкор муносабат билдиради²³.

Туркияда сўнгги йилларда кечки ва тунги вақтларда жамоат хавфсизлигини ошириш мақсадида анъанавий “бекчи” (қоровул) институти қайта жорий этилди. 2020 йилда қабул қилинган қонунга мувофиқ, бекчиларга муайян даражада полицияга яқин ваколатлар берилди ва улар маҳаллий патрул полициясига ёрдамчи куч сифатида хизмат қилмоқда. Хитой полицияси эса жамоат жойларида кенг қамровли патрулликни юқори технологияли кузатув воситалари билан бирлаштирган: катта шаҳарларда минглаб кузатув камералари ва фуқароларни идентификация қилиш тизимлари орқали полиция патрул хизмати назоратини олиб боради. Кўриниб турибдики, ҳар бир мамлакат патрул-полиция хизматида хос хусусиятлар мавжуд бўлса-да, барчада умумий тамойил – жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда патрул хизматчиларининг етарли билим ва малакага эга бўлишидир. Ҳамкорлик ва бошқа тузилмалар билан ўзаро алоқа. (Бу қисм юқорида частично кўриб чиқилгани сабабли, қисқача тўлдириш) Патрул-пост хизмати самарадорлиги кўп жиҳатдан турли идоралар ва жамоатчилик билан ўзаро мувофиқликда ҳаракат қилишга боғлиқ.

Юқорида таъкидланганидек, ички ишлар органлари патрул бўлинмалари Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, мудофаа ва маҳаллий ҳокимлик тузилмалари билан вазифасидан келиб чиққан ҳолда ҳамкорлик қилади. Масалан, мамлакатимизда оммавий байрам тадбирларида жамоат тартибини сақлаш “бирлашган патрул гуруҳлари” томонидан таъминланади, бунда ички ишлар органлари ходимлари билан бирга Миллий гвардия ва

²¹ International Police Standards - Guidebook on Democratic Policing / Senior Police Adviser to the OSCE Secretary General // <https://www.dcaf.ch/sites/default/files/publications/documents-/OSCE.pdf#:~:text=Series%20%20,provides%20some%20practical>

²² Кодзокова Л.А., Қумехова М.Б. Некоторые вопросы организации деятельности патрульно-постовой службы полиции в России // Право и управление, 2023, №2. – С.128–132.

²³ Швецов Б.Ф. Организация деятельности патруль-постовой службы полиции по обеспечению общественного порядка и общественной безопасности на улицах и в других общественных местах: учебное пособие. –М.: Академия управления МВД России, 2016. – 96 с.

ҳатто ихтиёрий ёшлар гуруҳлари ҳам жалб этилади. Шунингдек, “Фидокор ёшлар” деб номланган жамоатчилик патруль гуруҳларини тузиш тажрибаси йўлга қўйилиб, улар маҳаллий профилактика инспекторлари раҳбарлигида тунги қўшма патрулларда иштирок этмоқда.

Бу каби чоралар натижасида ҳуқуқбузарликларни маҳалланинг ўзида эрта босқичда олдини олиш имконияти ортиши кутилмоқда. Жойларда маҳалла фуқаролар йиғини, таълим муассасалари раҳбарлари, ёшлар иттифоқи ва бошқа жамоат тузилмалари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланиб, “Худудимиз – хавфсиз ҳудуд” каби қўшма профилактика тадбирлари ўтказилмоқда. Бундай ҳамкорликка таянган тартиб сақлаш тизими аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини оширади, полициянинг кучига куч қўшади. Патрул-пост хизмати фаолиятини самарали ташкил этишда мавжуд муаммолар.

Юқорида баён этилган ташкилий асослар ва чора-тадбирларга қарамасдан, амалда патрул-пост хизмати фаолиятида бир қатор муаммо ва камчиликлар кузатилмоқда. Биринчидан, кадрлар етишмовчилиги масаласи турли даражада долзарблигини сақлаб қолмоқда. Хусусан, айрим олис туман ва қишлоқлар кесимида бир навбатда хизмат олиб борувчи патрул нарядлари сони етарли эмас. Жамоатчилик орасида “ИИО ходимини ҳар доим ҳам кўриб бўлмайдим” деган танқидий фикрлар учрайди, бу эса кадрлар етишмовчилиги ва мавжуд кучнинг нотўғри тақсимланганидан далолатдир. Мавжуд штат бирликларини тўлдиришда ҳам муаммо мавжуд: айрим ҳолларда бажариладиган ишнинг оғирлиги ва хавфлилигини инобатга олганда, ёш кадрлар патрул хизматида қизиқиш билдирмайдим ёки тест-синовлардан ўтолмайди. Бу эса ўз навбатида мавжуд ходимларга тушадиган юклама ортишига олиб келади.

Иккинчидан, моддий-техника базанинг етарли эмаслиги муаммосини қайд этиш лозим. Охириги йилларда давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан патрул машиналари, махсус мотоцикллар, алоқа воситалари харид қилиниб, хизматчиларга тақдим этилмоқда. Масалан, 2019 йилда Тошкент шаҳри патрул хизмати учун юзлаб янги хизмат автомашиналари олингани хабар қилинган. Шунга қарамай, айрим ҳудудларда патрулларга транспорт етмагани ёки мавжуд техниканинг эскиргани ҳолатлари учрамоқда. Бу, хусусан, узоқ қишлоқ жойларда тезкор чақирув бўйича манзилга ўз вақтида етиб боришга халақит бериши мумкин. Хизматчиларни шахсий бодикамералар ва замонавий махсус воситалар билан тўлиқ таъминлаш жараёни ҳам ҳали тўлиқ яқунланмаган.

Учинчидан, қонунчиликдаги баъзи номувофиқликлар ва амалиётдаги қарама-қаршиликлар патрул хизмати ишларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, айрим ҳолларда патрул ходимларининг ваколати ва мажбуриятлари тўлиқ аниқ белгилаб берилмаганидан ҳуқуқни қўллашда турлича талқинлар келиб чиқади. Патрул-пост хизмати ходими кимларни ва қандай шароитда текширишга ҳақли, қайси ҳолда куч ишлатиши мумкин – бу масалалар бўйича қонун ва идоравий ҳужжатлар ўртасида баъзи фарқлар сезилади. Патрул наряди таркибидаги Миллий гвардия вакиллариининг ҳуқуқий мақоми ҳам аниқлаштиришни талаб қилади, зеро биргаликда хизматни ўташ пайтида уларнинг ҳар бири турлича ҳисоботдорликка эга.

Тўртинчидан, рақамли назорат воситалари ва маълумотлар базасининг интеграция қилинмаганлиги муаммоси мавжуд. Масалан, патрул ходими жойида туриб қидирувдаги шахсни аниқлаш учун ички ишлар органларининг маълумотлар базасига тез уланиш имкониятига эга бўлиши лозим. Ҳозирча бундай интеграция тўлиқ таъминланмаган, ҳар бир патрул ходимининг қўлида онлайн режимда фуқароларнинг жиноий ҳисобга олинганлик маълумотларини текшириш воситаси йўқ. Лекин “E-Patrol” ахборот тизимини яратиш бўйича ишлар бошлангани ва тез орада бу муаммо ҳал этилиши кутилмоқда.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларни бартараф этиш мақсадида илмий жиҳатдан асосланган таклифлар ишлаб чиқиш талаб этилади. Жумладан, айрим мутахассислар фикрича, амалдаги идоравий йўриқномалар ва қонуности ҳужжатларини замон талабларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш лозим. Масалан, патрул-пост хизматида оид алоҳида қонун қабул қилиниб, унда

мазкур хизматнинг вазифалари, ваколат ва жавобгарлик чегаралари аниқ баён этилса, ҳуқуқий коллизияларнинг олди олинади.

Шунингдек, патрул-пост саф бўлинмаларининг республика бўйича бир хил мезонда ташкил этилиши таъминланиши даркор, бу борада барча вилоятларда намунавий тартиб ва штат бирликларини жорий этиш, ходимларга қўйиладиган талабларни бирхиллаштириш муҳимдир. Патрул хизматини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириш ҳам кадрлар билан барқарор таъминлашга хизмат қилади. ИИБ маъсул ҳисоботларида 2021 йилдан бошлаб патрул ходимларини баҳолашда самарадорлик индикаторларига асосланган рейтинг тизими жорий этилиши белгиланган бўлиб, бу ишлар самарасига ижобий таъсир кўрсатиши кутилмоқда. Хусусан, ҳар бир ходимнинг фаолияти (ахлоқий хулқи, содир этилган ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги ҳиссаси, фуқароларнинг мурожаатларига муносабати ва ҳ.к.) бўйича балл тизими тузилиб, шу асосда мукофот ва жазо чоралари қўлланилмоқда. Бундай КРІ тизими ички рақобат ва масъулиятни оширади, хизмат сифати яхшиланади.

Яна бир таклиф – патрул-пост хизматининг моддий-техника базасини яхшилаш учун давлат бюджети билан бирга маҳаллий бюджетлар ва ҳомийлик маблағларини жалб этиш механизмларини яратишдир. Масалан, қонунчиликка мувофиқ, жамоат хавфсизлигини таъминлашга қизиқиш билдирувчи тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик шартномалари тузиш орқали қўшимча маблағлар жалб этиш мумкин. Бу орқали патрул хизматига зарур бўлган транспорт воситалари, махсус кием ва ускуналарни харид қилиш тезлашади.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, жамоат хавфсизлигини таъминлашда патрул-пост хизмати тузилмасининг тўғри ташкил этилиши ва барқарор фаолият юритиши учун тўрт асосий омил муҳим аҳамиятга эга: 1) кадрлар салоҳияти (малакали ва етарли штат); 2) моддий-техника ресурслар (транспорт, алоқа, кузатув воситалари ва ҳ.к.); 3) рақамли технологиялар интеграцияси (маълумотлар базаси, кузатув камералари, электрон ҳисобот); 4) аниқ ҳуқуқий регламент (патрул хизмати ваколатлари ва масъулиятининг қонуний жиҳатдан белгилаб қўйилиши). Ушбу омилларни мустаҳкамлаш патрул-пост хизмати фаолияти самарадорлигини оширишнинг гаровидир. Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, фикримизча қуйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, институционал асосларини такомиллаштириши бўйича ҳар бир туман (шаҳар) ички ишлар органи таркибида патрул-пост хизмати бўлинмасини мустақил структура сифатида сақлаш, қўшни туманлар учун ягона дислокация асосида туманлараро патруль гуруҳларини ташкил этиш. Бу кучлардан оқилона фойдаланиш ва ҳудудларни тўлиқ қамраб олиш имконини беради.

Иккинчидан, патрул-пост хизмати фаолиятини ташкилий асосларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириши асосида “Патрул-пост хизмати тўғрисида” алоҳида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Унда патрул хизмати вазифалари, ходимлар мақоми, хизмат олиб бориш қоидалари, курол қўллаш шартлари, бошқа органлар билан ҳамкорлик механизми каби масалаларни яхлит тарзда белгилаш зарур. Бунда халқаро стандартлар (Европа полиция одоби кодекси, ОВҚЕ қўлланмалари)га мувофиқ инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойиллари мустаҳкамланиши лозим.

Учинчидан, патрул-пост хизмати соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш бўйича ходимлар учун малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини давомли амалга ошириш. ИИБ Академияси, малака ошириш муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети базасида ҳар йили патрул-пост хизматига ихтисослашган курслар ташкил этиш, уларга хорижий мутахассислар (масалан, ОВҚЕ Policia платформаси ёки DCAF экспертлари)ни жалб қилган ҳолда замонавий трендлар бўйича Россия, Жанубий Корея, Япония каби мамлакатлар полиция академиялари билан ҳамкорликда қўшма семинарлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, патрул-пост хизмати соҳасини рақамлаштириш бўйича “Хавфсиз шаҳар” лойиҳаси доирасида барча жамоат жойларини камера кузатуви билан қамраб олишни жадаллаштириш, бу камераларнинг ички ишлар органлари ахборот тармоғига уланишини таъминлаш. Патрул нарядларига тақсимланадиган планшетларни ички маълумотлар базаларига онлайн улайдиган тарзда модернизация қилиш. Шунингдек, ҳар бир патрул машинаси GPS трекер ва радио алоқа воситалари билан жиҳозланганини текшириб бориш. Моддий таъминотни яхшилаш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда ҳомийлар жалб этиш ва кўшимча манбалар топиш амалиётини йўлга қўйиш.

Тўртинчидан, ходимларнинг хизмат самарадорлигини ошириш бўйича патрул-пост хизмати учун баҳолаш мезонларини аниқ белгилаш ва улар асосида КРІ (ҳар бир ходимнинг калит кўрсаткичлари) мониторингини олиб бориш. Бунда ходимнинг хизмат интизоми бузилиши, муружаатларга қанчалик тез ва тўғри чора кўргани, ҳуқуқбузарликларни олдини олишга қўшган ҳиссаси каби кўрсаткичлар ҳисобга олинади. Ички ишлар вазирлиги томонидан 2021 йилда шу мазмундаги рейтинг тизимини жорий этиш вазифаси қўйилгани ва бу ишлар амалга оширилаётгани маълум. Келгусида ушбу тизимни такомиллаштириб, унинг натижаларига кўра рағбатлантириш ёки хизмат ўрнини ўзгартириш каби чораларни қўллаш механизминини ишлаб чиқиш лозим.

Дарҳақиқат, патрул-пост хизмати жамоат тартиби ва хавфсизлиги посбони сифатида ҳаётимизда ўзига хос ўрин тутди. Унинг ташкилий асосларини мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш ва моддий-техника жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг осойишта ҳаётини муҳофаза қилишда янги босқичга чиқиш мумкин. Юқорида баён этилган илмий-таҳлилий асос ва таклифлар миллий қонунчилик ва хориж тажрибасини ҳисобга олган ҳолда патрул-пост хизмати фаолиятини замонавийлаштиришга хизмат қилади.